

«Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам: «Менга умматлар кўрсатилди. Баъзи пайғамбарларнинг атрофида кичик бир гуруҳ, баъзиларининг атрофида бир-икки киши турганини, баъзиларининг атрофида эса ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Шу пайт менга улкан оломон кўрсатилди. Ҳалқлар менинг умматим бўлса керак, деб ўйладим. Аммо менга: «Бу - Мусо соллаллоху алайхиди васаллам ва унинг қавми. Сен уфққа қарагин», дейишди. Қарасам, улкан оломон. Яна менга «Бошқа уфққа ҳам қарагин», дейишди. Яна қарасам, улкан оломон. «Мана шу сенинг умматинг. Уларнинг етмиш минги жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз қиради», дейишди». Шундай деб, ўринларидан туриб, ўйларига кириб кетдилар. Одамлар эса жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз қирадики ўша кишилар ҳақида гаплаша бошлашди. Баъзилари: «Улар Расулаллоху (соллаллоху алайхиди васаллам)нинг саҳобалари бўлса керак», дейишди. Баъзилари эса: «Улар Исломда туғилиб, Аллоҳга ҳеч нарса шерик қилмаганлар бўлса керак», деди. Яна бошқа бир қанча нарсаларни гапиришди. Шу пайт Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам уларнинг олдига чиқиб, «Нима ҳақида гаплашяпсизлар?» дедилар. У зотга бор гапни айтишди. Шунда у зот: «Улар дам солмайдиган, дам солдирмайдиган ва шумланмайдиган ҳамда Роббларига таваккул қиладиганлардир», дедилар. Шунда Уккоша ибн Миҳсан ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. «Сен ўшалардансан», дедилар. Сўнгра бошқа бир киши ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин», деган эди, Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам: «Уккоша сендан ўзиб кетди», дедилар».

1. 79. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам:

«Менга умматлар кўрсатилди. Баъзи пайғамбарларнинг атрофида кичик бир гуруҳ, баъзиларининг атрофида бир-икки киши турганини, баъзиларининг атрофида эса ҳеч ким йўқлигини кўрдим. Шу пайт менга улкан оломон кўрсатилди. Ҳалқлар менинг умматим бўлса керак, деб ўйладим. Аммо менга: «Бу - Мусо соллаллоху алайхиди васаллам ва унинг қавми. Сен уфққа қарагин», дейишди. Қарасам, улкан оломон. Яна менга «Бошқа уфққа ҳам қарагин», дейишди. Яна қарасам, улкан оломон. «Мана шу сенинг умматинг. Уларнинг етмиш минги жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз қиради», дейишди». Шундай деб, ўринларидан туриб, ўйларига кириб кетдилар. Одамлар эса жаннатга ҳисоб-китобсиз ва азобсиз қирадики ўша кишилар ҳақида гаплаша бошлашди. Баъзилари: «Улар Расулаллоху (соллаллоху алайхиди васаллам)нинг саҳобалари бўлса керак», дейишди. Баъзилари эса: «Улар Исломда туғилиб, Аллоҳга ҳеч нарса шерик қилмаганлар бўлса керак», деди. Яна бошқа бир қанча нарсаларни гапиришди. Шу пайт Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам уларнинг олдига чиқиб, «Нима ҳақида гаплашяпсизлар?» дедилар. У зотга бор гапни айтишди. Шунда у зот: «Улар дам солмайдиган, дам солдирмайдиган ва шумланмайдиган ҳамда Роббларига таваккул қиладиганлардир», дедилар. Шунда Уккоша ибн Миҳсан ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. «Сен ўшалардансан», дедилар. Сўнгра бошқа бир киши ўрнидан туриб, «Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин», деган эди, Расулаллоху соллаллоху алайхиди васаллам: «Уккоша сендан ўзиб кетди», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI